

ЎРТА АСР БРАЖ АДАБИЁТИДА ХИНД МАДАНИЯТИ



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2026-23-82-91>

Улфатхон Муҳибова

филология фанлари доктори, профессор
Тошкент давлат шарқишунослик университети
ulfatmuhib8@mail.ru

Аннотация: Ҳиндистон ўрта аср адабий мероси бҳакти адабиёти номи билан юритилади. Айнан шу адабий мерос ҳинд миллий қадриятлари, миллий урф-одатлари энг кўп акс этган бой адабий мерос ҳисобланади. Миллий қадриятлар деганда албатта, халқ орасида қадимдан сақланиб келаётган миллий байрамлар, турли расм-русумлар, урф-одатлар, инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар тушунилади. Ҳинд халқига келадиган бўлсак бу халқ ўзининг қадимий тамаддун маркази бўлгани билан жуда қадимдан миллат сифатида шаклланиб, ўз миллий дунёқараши, қадимий манбалари, бойгина адабий меросини яратиб улгургани боис миллий қадриятлар ҳам шу жараёнларда ўз ўзидан шаклланган.

Калит сўзлар. бҳакти, Маҳбхарата, Кришна, шеърият, ганги, хўли, навитра, ратх ятра, ракшабандхан, Сурдас, Аштакчхан.

INDIAN CULTURE IN MEDIEVAL BRAZI LITERATURE

Ulfatkhon Muhibova

Doctor of Philology, Professor
Tashkent State University of Oriental Studies
ulfatmuhib8@mail.ru

Abstract. The literary heritage of medieval India is known as Bhakti literature. It is this literary heritage that is considered the richest literary heritage, in which Indian national values and national customs are most widely reflected. National values, of course, mean national holidays, various rituals, customs, and interpersonal relationships that have been preserved among the people since ancient times. As for the Indian people, since this people, being the center of its ancient civilization, has been formed as a nation since ancient times, and has managed to create its own national worldview, ancient sources, and rich literary heritage, national values have also been formed in these processes.

Key words. bhakti, Mahbharata, Krishna, poetry, gangi, kholi, pavitra, rath yatra, rakshabandhan, Surdas, Ashtachhap.

Ўрта аср бҳакти адабиёти эса айни ўша қадимий манбалар, адабий меросларга суянган ҳолда шакллангани буюис унинг таркибида ўша минг йиллар аавал миллат ҳаётида мхуим аҳамият касб хэтган, халқ доимий

равишда ўз хаёт тарзида уларни қўллаб келгани боис ўрта аср адабий мероси уларни жамиятдаги ўрни ва ахамиятини яна ҳам мустаҳкамлаган, бойитган ва бугунги кунгача етиб келишига хизмат қилган.

Бу қандай адабиётки, минг-минг йиллардан бери ўзгармай, ўша қадимий инсонлар яратган қадриятлар, урф-одат ва миллий байрамларни ханузгача жамиятда сақланиб қолишини таъминлай олган. Ушбу саволларга қуйида жавоб беришга ҳаракат қилинган.

Қадимий санскрит тилидаги “Рамаяна” ва “Махабхарата” эпослари негизда вужудга келган Бҳакти адабиёти, аслида, Рам ва Кришна маъбудларига халқ ўртасида меҳр ва садоқатни тарғиб қилиш йўлида ривожланган. Рам ва Кришна маъбудлари билан боғлиқ ҳар қандай сўз Рамаяна ва Махабхарата эпоси билан боғлиқ бўлади.

Бҳакти адабиёти икки йўналишда кришнабҳакти ва рамбаҳакти йўналишларида ривожланган. Кришнабҳакти шеърияти браж тилида сўзлашадиган халқ ўртасида анчагина кенг тарқаган бўлиб, кришнабҳакти шеъриятини мана шу оддий халқ орасида етишиб чиққан шоирлар яратган. Ушбу шоирларнинг “Аштачхап” номли гуруҳини бҳакти тарғиботчиларидан Витхалнатх ташкил этган. Ушбу гуруҳда 8 шоир бўлиб, улар Махабхарат эпоси воқеалари билан боғлиқ, эпослаги Кришна хаёти, унинг ўғитлари билан боғлиқ шеърларини оддий халқ сўзлашадиган браж тилида яратганлар. Шу асосда ўрта асрларда браж тилида кришнабҳакти йўналишида жуда катта адабий мерос яратилган. Айни мана шу шеърлар таркибида шу давр ҳинд халқининг миллий қадриятлари, байрамлари, урф одатлари акс этган ва мана шу шоирлар ижоди орқали бугунги кунга етиб келган.

Кришнабҳакти шеъриятида шоирлар Кришнанинг лилаларини ¹ куйланганлар. Кришна қачон, қаерда ва ким билан нималар қилган бўлса шу воқеаларни браж ахли худди шу тарзда нишонлашни одат қилган. Ҳар бир шоир Кришнанинг хаёти билан боғлиқ турли воқеаларни ўз шеъриятининг етакчи мавзуси қилиб олган. Жумладан, Сурдас Балкришна (бола Кришна) мавзусини жуда севиб куйлаган ва кейинчалик, ўрта аср адаб ётида Бола Кришна мавзусини энг юқори чўққига олиб чиққан шоир бу Сурдас, деган таъриятлар ҳам беришган. Ёки Аштачхап шоирларидан Кришнада Кришнанинг Шрингарлиласини ² ўз ижодининг бош мавзуси қилиб олган. Шу тарзда Махабхарата воқеалари билан боғлиқ турли воқеаларга ҳар бир шоир янгидан янги қўшиқлар яратаверган ва бҳакти шеърияти кундан кун бойиб борган. Ҳар бир шоирнинг шеърлари “Шеърият уммони” номли тўламларга тўпланиб борилган. Вақт ўтиб бҳакт шоирлар ижодида куйланган бу миллий қадриятлар Браж юрти маданиятининг бир бўлагига айланиб кетган ва улар бугунги кунгача шимолий Ҳиндистон халқларининг асосий миллий қадрияти ҳисобланади.

¹ саргузаштлари

² Кришнанинг севгилиси Радха билан саргузаштлари

Кришнанинг саргузаштлари асосан қуйидаги воқелар билан боғлиқ бўлган – Кришна ёки Радханинг туғилган куни, уларнинг дам олишга, сайрга чиқиши, улар туғилгандаги расм-русумлар, ўсмирлик ҳаёти, Браз аҳли билан муносабати кабилар. Қуйида турли миллий қадрият, урф-одат ва расм-русумлар билан боғлиқ шеърлардан намуналар келтирамиз, масалан,

Пхулмандали байрами ёз мавсумида нишонланади. Бу байрамда ҳар бир нарсга гулдан ясалади, масалан, Радха-Кришна учадиган арғимчоқ, улар ўтирадиган тахт, овқатланадиган идишлари, устунлар ва ҳоказо. Шоир Кришнада Пхулмандали байрами билан боғлиқ Радха-Кришнага атаб қўшиқ ёзган. Унда гуллардан ясалган саккиз устун ўртасида Радха ва Кришнанинг ўтиргани, уларнинг соябони, ёпинчиғи, ёстиклари, бўйнидаги гулчамбари, тахтиравони, ҳаттоки нафас оладиган ҳавоси ҳам гуллардан ясалганлиги тасвирланган³. Сурдас ҳам Пхулмандали байрами ҳақида гуллардан қурилган саройда гуллардан ясалган тақинчоқлар тақиб энг олий навли гуллар ўртасида Кришна ва Радха ўтирганини тасвирлаб шеър ёзган⁴.

Гангүр байрами чейтра ойида нишонланади. Бунда Браз қизларининг Гаори ва Парвати маъбудаларига ибодати акс этган. Тонг сахарда ёш қизлар қўлларига гул олиб Гаори ва Парвати маъбудаларига ибодат қиладилар. Бу байрам Ражастханда алоҳида аҳамият касб этади. Ражастханда туғилиб ўсган шоира Мирабаи ҳам ўзининг Кришнага бағишланган шеърларида ранг-баранг Гангаори ибодати ҳақида ёзиб, “रे सवलिया, म्हारे आज रंगीली गंगौर है – जी⁵, яъни, “Кел дугонажон, бугун нишонлаймиз гангаори байрамини”, деб қуйлаган. Шоир Кришнада ҳам Нандини ҳам ўз дугоналари билан Гангаори байрамини нишонлаётгани ҳақида ёзган:

मलय घनसार कर्पूर मृगमद लाई
 घरति ललिता तहां सनेह सान्यो।
 “कृष्णदास” निनाथ नवल राधा साथ
 तीज गनगौरि त्यौहार मान्यो।⁶

мазмуни:

*“Қувнашар соз чалиб Лалита дўстлари билан,
 Кришнада Радха билан гангаори байрамида шодон ўйнашар”.*

Акшай тритийа байрами бейшакх ойида нишонланади. Баданга хушбўй хид келтирадиган чандан ёки аргажая ўсимлигидан суртиш билан боғлиқ байрам. Бу ҳақда Сурдас ҳам, Кришнада ҳам мисралар битган.

आजु बने नंद नंदन री नवचंदन अंग अरगजा लाएं।
 रुकत हार सुठार जलद मनि गुंजन अलकनि अलि समुदाएं।

³ Кришнада пад санграх. – Канкрўли. Пад 1004 ва 1007 (мисралар).

⁴ Сурдас. Сурсагар. (сабха). – Пад. 2456.

⁵ Мира. Мадхури. – Пад 141.

⁶ Кришнада пад санграх. – Канкрўли, пад 1033.

पीत बसन तन बन्यौ है पिछौरा टेढी पाग ढौरों लटकाएं।
 अक्षय तृतीया अक्षय लीला अक्षय “कृष्णदास” सुख पाएं।

Мазмуни:

*Кел Нанд ўгли сурт танангга тоза чандан рангини,
 Гулчамбар ос бўйнингга, дилинг ёнсин, жарангласин қўшиқлар
 шарбатларни ич, идишлар тўла унга
 Акишай тритийа акшай ўйинлари акшай Кришнадас олсин шавқ.*

Ратх ятра ашарх ойида нишонланади. Бу байрам бҳакти тарғиботи билан шуғулланадиган Пушти сектаси раҳбари Витхалнатх томонидан асос солинган. Бунда Кришнанинг Браж юртининг Дварка худудида бўлиб ўтган саргузашти акс этган. Ратх Ятра байрами ҳақида Сурдас ва Пармананддас ҳам қатор шеърлар ёзган. Кришнадас шеърдан намуна:

देखो माई! रथ बैठे पिय प्यारी।
 गौर स्याम तन अति छवि राजत निरखि नैन मनुहारी।

Мазмуни:

*Каранглар дўстлар, севишганлар аравада ўтирар шодон
 Гаори (Радха) Шйам(Кришна), баданлари бамисоли мармар, кўзлар маънодор.*

Шраван ойида нишонланадиган **Ҳиндўра байрами**, яъни гулдан ясалган арғимчоқ бўлиб бу, асоса, аёллар ва қизлар байрами. Байрамда аёллар қўшиқ айтиб ҳиндора (гулдан ясалган арғимчоқ)да учадилар. Пармананддас ва Кришнадаснинг шу мавзудаги шеъри,

कुंज हिंदोरना झूलें रमकि-रमकि
 पचरंग सारी सब पहरे सहचरी लिए नवला सी
 छवि री झुकि-झुकि झुलावें गावें तमकि-तमकि।

Мазмуни:

*Гулдан ясалган арғимчоқ учайлик,
 Гул рангида сари кияйлик.
 Учаверайлик – учаверайлик шодон,
 Чарчаи нима билмайлик.*

Павитра байрами ҳам шраван ойида нишонланади. Бу н ярим тунда Олий Ҳақ зоҳир бўлган кун. Валлабхачарья Говиндгхат тоғида Яратган билан боғланиш учун фотиҳа олган тун. Шу боис бу кун павитра, яъни покланиш куни, дейилади. Байрам “Аштачхап” шоирлари ижодида турлича қуйланади. Масалан, Сурдас наздида поклик кийдирилган кун Кришна олтин ранг багада бўлган. Пармананддас эса Павитра Валлабхага эмас, Радхага кийдирилган, дейди. Кумбхандас наздида Павитра кийган Кришна Радха билан учрашади. Кришнадаснинг айтишича Яшода Кришнага Павитра кийдиради.

पहिरत पाट-पवित्रा मोहन नंदरानी पहिरावै।
 पुआ सुहारी अरु लडुआ लै हंसि हंसि गोद भरावै।

Мазмуни:

*Ёқимли Моханга Павитра кийдирди Нанда малика
Ширин мева ва ладдулар билан тўлдирди унинг этагин.*

Ракшабандхан байрами шраван ойида нишонланади. Жангга киришидан аввал қадимда шоҳларни душмандан ҳимоялаш учун билагига боғич боғлаш анъанаси бўлган. Кейинчалик бу байрам қизларнинг ўз ака ёки укаларига ёки отасининг билагига душман ва ёмонликлардан сақлаш учун ҳимоя боғичини боғлаган. Бу ҳақда Кумбхандас ва Говиндсвамилар рақсини “рачха” деб шеър битган. Сурдас ва Кришнадас ҳам рақша бандхан ҳақида шеърлар битган.

Байрамлар ичида энг кенг тарқалган ва деярли барча кришнабҳақт шоирлар ижодида алоҳида ўрин тутадиган байрам бу **Хўли** ранглар байрами. “Маҳабхарата” эпосида бу байрамни Кришна-Радха ҳам ўз дугоналари ва Браз аҳли билан нишонлаганлар. Хўли байрами бутунги кунда ҳам ҳинд халқининг энг севимли байрами ҳисобланади. Байрам февраль ёки март ойларида бутун Ҳиндистон миқёсида нишонланади. Браз юртида Хўли байрами худди “Маҳабхарата” давридагидек бир кун эмас, бир ой давомида нишонланади. Бунда Кришна-Радханинг Хўли байрамидаги шўхликлари ва уларнинг Браз халқи билан қилган барча саргузаштлари “Аштачхап” шоирлари шеъриятдан жуда кенг ўрин олган. Браздаги Кришнанинг акаси нишонланган “Дау жи ка Хўранга”⁷ номли Хўли байрамини бутун ҳинд халқи севиб томоша қилади. Бунда одамлар рангларни челақларда бир бирларига сепадилар ва қўшиқ куйлаб рақсга тушадилар. Сурдаснинг Хўли байрами ҳақидаги шеъри:

होली के दिन दिल खिल जाती है,
रंगों में रंग मिल जाती है।

Мазмуни:

*Холи куни диллар қувонади,
Ранглар ранглар билан қўшилади.*

Нанддас ҳам ўз ижодида бу мавзуга алоҳида ўрин берган. У Хўли байрамида чалинадиган асбобларни шеър мисраларига киритиб, Браз маданиятини ифодаламақчи бўлади:

बाजत ताल, मृदंग, मुरज, डफ कही न परत कछु बात ।
रंग सौं मनि ग्वाल-बाल सब, मानों मदन बरात।

Мазмуни:

*Тал, мриданг, мураж, дафлар овози бузар бутун оламни,
ранг сепилар барчага, шовқини эслатар гўё Мадан мохан тўйини.*

⁷ Дау жи Кришнанинг акасининг исми ва у Холини Браз аҳолиси билан ранглар ва рангли сувлар сепиш билан жуда катта тантана билан нишонлаган, Браз аҳли ҳар йили Холида шу тантанани такрорлайди.

Айниқса, ҳинд кино саноатида бу байрам билан боғлиқ лавҳалар ва бу лавҳаларда куйланадиган кўшиқларнинг сон-саноғи йўқ. Бҳакти адабиётида Хўли байрами Радха-Кришнанинг севгисини ифодаловчи байрам сифатида талқин этилиши ҳинд киносаноатида ҳам севгини ифодалаш лавҳаларида кўлланиб келинаётганининг гувоҳи бўламиз.

Картик снан байрами. Ҳиндистонда сувни эъзозлаш, дарёларни муқаддас санаб, уларга ибодат қилиш анъаналари қадимдан шаклланиб келган. Шимолда Ганга ва Жамуна дарёлари, жанубда Сарасвати, Брахмапутра, Кавери каби дарёлар муқаддас саналади ва уларнинг муқаддаслиги ҳақида турли ривоятлар ҳам битилган. Шимолда Ганга ва Жамуна дарёлари ҳали-ҳануз муқаддас дарёлар сифатида талқин этилади. Бу икки дарёнинг муқаддаслиги ҳам бҳакти адабиётидек “Рамаяна” ва “Маҳабҳарата” эпослари билан боғлиқ. “Рамаяна” эпосида Ганга дарёси, “Маҳабҳарата” эпосида Жамуна (Ямуна) дарёси муқаддасликка эришган. Шу боис Рам деганда Ганга⁸ ва Кришна деганда Ямуна дарёси тилга олинади бежиз эмас.

Бу дарёлар адабиётда кўпинча поклик ва муқаддаслик рамзи сифатида ишлатилади. Жумладан, Чхитсвами шеъротида ҳам Ямуна дарёсининг муқаддаслигига бағишланган мисраларни учратамиз.

जब लगे जमुना गाँव गोवर्धन गोकुल गाँव गुसाँई।
 तब लगे श्री भागवत कथा-रस तब लगे कलजुग नाँई।
 जब लगे सेवक, सेवाभाव-रस, नंद नंदन सों प्रीति लखाँई।
 छीतस्वामी गिरिधरन श्री विठ्ठल प्रगटे भक्तनि कों सुखदाँई।

Мазмуни:

*Ямуна, Говардхан, Гокул ва Госаи номини эшитиб
 Шунда билдим Яратган ҳақида, янги Калюг ҳақида.*

Шунда билдим асл эътиқод нима, завқ нима, Нанд Нандан ким.

Виттхал бўлиб келган Гиридхар ўз бҳактига берди бахту саодат.

Бҳакт шоирларнинг асосан “киртанкар” – “мадҳия куйловчи” бўлганликлари туфайли улар ижодида мусиқанинг аҳамияти ўзгача бўлиб, улар мусиқа санъатига оид назарий илмларни жуда чуқур эгаллаганлар ва ўз ижодларида улардан кенг фойдаланганлар. Жумладан, “Аштачхап” шоирларининг барчаси киртанкар бўлган, ўз шеърига ўзи мусиқа ёзган ёки танлаган ва уни ўзи ижро этган. Кришнада саноиди ўрганган Харгулал шоир ижоди давомида мусиқанинг бир қанча турларини қўллаганлиги ҳақида ёзиб, мусиқанинг куйидаги турларини Кришнада саноиди мансуб деб таъкидлаб ўтади: асааварии, тўди, саранг, билавал, канхрў, гужри, гаори, кедарао, калйан, малар, дханашири, иман, васант, на(т), вихаг, жейжейванти, бхейрав, рамакали, вихаграо, малкўс, тўри, девагандхар, суа, кафи, гандхаар, мару, бхейрао,

⁸ Буни биз замонавий ҳинд фильмлари ва кўшиқларида кузатишимиз мумкин, жумладан, Раж Капурнинг “Рам тери Ганга мейли хо гаи” – “Рам сенинг Ганганг лойқаланди” номли фильми ва бошқалар.

малашри, сўратх, ҳамир ва бошқалар. Ҳинд раққосаларининг таъкидлашича, бу мусикалар бир-биридан пардалар хилма-хиллиги билан ажралиб туради.

“Кришнадаас ижодида санъатнинг учала тури – кўшиқ, соз ва рақс баб-баробар қўлланилган. У ўз кўшиқларида кўпроқ мумтоз мусиқа намуналаридан фойдаланган. Кришнадаас ўз кўшиқларини фольклор кўшиқлар тарзида яратган, мусиқада эса шимолий услубни ўзлаштирган, улар дхрупад ва дҳамар услублари номи билан юритилади”, – деб ёзади Харгулал.

Кришнадаас кўшиқларини мазмунига кўра руҳият қувончини тасвирловчи шеърлар, фестиваллар, байрамлар, йил фасллари, кўнгил очар ҳамда айрилиққа бағишланган кўшиқлар гуруҳига ажратиш мумкин. Кришнадаас шеъриятидаги севгига (шрингар) бағишланган мисраларнинг сержилолиги, Кришнага меҳрнинг ватсалья, яъни ота-оналик меҳри йўналишидаги таъсирчан тасвири ҳамда ҳижрон онларидаги руҳий азобларни тасвирлаш услублари унинг, шубҳасиз, олий даражадаги шоир эканлигини кўрсатади. Кришнадаас Браз маданиятини акс эттиришда Сурдас ва Нанддаслар билан бир қаторда туради.

Нанддас ижодида ҳам мусиқанинг ўрни ўзгача, чунки у ҳам киртанкар бўлган ва барча шеърларини кўшиқ қилиб куйланган. Жумладан, Сарла Чаудхри шундай деб ёзади: “Нанддас не сао се адхик пад ликхе. Инке падўн ме анек чхандўн аор гит-кхандўн ка прайог пайа жата хе. Сабхи пад бхинна-бхинна рагўн ме бандхе хенг”, яъни “Нанддас юздан ортиқ мисралар яратган. Унинг кўшиқлари турли усулларда ижро этилганини кузатиш мумкин. Барча падлари хилма-хил рагаларда ижро этилган”.

Шу билан бир қаторда, “Аштачхап” шоирларидан Чхитсвами ижодини ўрганган Васант Ямадгини ҳам шундай жумлаларни келтиради: “Чхитсвами мадҳия куйловчи бўлгани боис мусиқа илмига катта аҳамият берар эди. Ўз маъбудига атаб дилдаги меҳрини изҳор қилиб айтган кўшиқлари унинг шеъриятининг асосий мавзуси, ҳаётининг мазмуни эди”.

Браз маданиятини акс эттирувчи маълумотларни бҳакт шоирлардан Нанддас ижодида жуда кўп учратиш мумкин. Нанддас ҳам Браз ҳудудида браҳман оиласида дунёга келган, Витхалнатхнинг шогирди бўлган ва Кришна саргузаштларининг макони бўлган Браз юртида яшаган. Манбаларда айтилишича, Нанддас Тулсидаснинг амакиси Живанрамнинг ўғли, Кришнадаас эса Нанддаснинг ўғли бўлган.

Ўз ижодида Кришнанинг халқ орасидаги ҳаётини тасвирлаш асосида Кришна яшаган жойлар, Браз халқининг кундалик ҳаёти, урф-одатлари, кўнгилочар ашёлари, ўша давр миллий кийимлари ва тақинчоқлари, байрамлар ва фестивалларни акс эттирган. “Аштачхап” шоирлари ижодида инсон туғилишидан умрининг охирига қадар амалга ошириладиган барча одат ва маросимлар акс эттирилган. Улар жами 16 та дейилади ва уларга намкаран (исм бериш), анапрашана (биринчи бўтқани ейиш), каранбедх, жаткарм (кастасини белгилаш), антйешти, упанайан (насихат), ведарамбх (ведани бошлаш), шаштхи пужан (ибодат бошлаш), варшгантх (ёшга тўлиши), вивах (тўй), маот (ўлим) ва бошқалар. Кришнадаас туғилиш билан боғлиқ намкаран ва жаткарам

маросимларини Радха ва Кришна туғилиши билан боғлиқ мисраларида акс эттириб ўтган. Кришна жанамаштами (жанамутсав), яъни Кришна туғилган куни байрами бутун Ҳиндистонда нишонланади ва тақвимда бу кун ҳам миллий байрамлардан бири сифатида қизил ранг билан белгиланади.

Чхитсвами шеъриятида ҳам Браз маданияти, урф-одатлари ва байрамлари ҳақида жуда кўп мисраларни учратамиз. Шоир Радхаштами – Радха туғилган кунга аталган қўшиғини ижро этган ва унда Радханинг хусни-жамоли, унинг отасининг қилган хайр-садақалари ҳақида қуйлаган, деб ёзади Васант Ямадгини ўз тадқиқотида.

Нитъялила (абдий ўйинлар) байрами ҳақидаги шеърни Чхитсвами Кришнани уйғотиш жараёни билан бошлайди. Шеърда Яшоданинг меҳр билан эркатои Кришнани уйғотишини шундай тасвирлайди: “प्रातः काल हो गया है, प्राणों के अधार उठो, तुम तो मेरे कष्ट निवारक हो। मकखन, मिसरी, दूध, मलाई, मेवा, चावल, पकवान, मिठाई, आदि का उल्लेख करके कवि ने नतवर बिहारी को गौचरण के लिये भेजा है। साथी द्वार पर गाय, बछरा लेकर खड़े हैं और कृष्ण को परामश देते हैं कि सुबह से झर लगा है, यहीं भोजन किया जाए, आज वन जाना संभव नहीं है।”. Мазмуни: “Тонг отди, жонларнинг жони, тура қол, ахир, сен менга ёқимли азоб берувчимсан. Сариеғ, новвот, сут, қаймоқ, мевалар, гуруч, пишириқлар ва ширинликлар билан меҳмон қилиб, Бихарини (яъни Кришнани) сигир боқиш учун жўнатди. Эшик ортида дўстлари сигир ва қўйлари билан кутиб турибдилар ва Кришнага шуни айтмоқчиларки, эрта тонгдан сенга мунтазирлар келди, бутун ўрмонга бормай қўяйлик, нонуштани шу ерда қила қолайлик”.

Сигир ҳиндуларда муқаддас ҳайвон, чунки у сут беради, сутни болалар ҳам, катталар ҳам бирдек севиб тановул қилади. Ҳиндистонда сутсиз ҳаётни тасаввур этиб бўлмайди, чунки кунига 4-5 маҳал ичиладиган чой ҳам сут билан тайёрланади. Ҳиндистоннинг қаерига борманг ҳар қадамда сутли чой сотилишини кузатиш мумкин. Шу боис, ҳиндларда сигир оиланинг бахти, моддий муаммоларни ҳал қилувчи бир хазина ҳисобланади. Браз юртида сигирнинг яна ҳам қадрли бўлишига “Маҳабҳарата” воқеалари ва Кришна саргузаштлари сабаб бўлган.

Эпосда, маълумки, Кришна сигир боқувчи чўпон образида намоён бўлади. Ҳинд миниатюра санъатида ҳам ва, умуман, маъбуд Кришна билан боғлиқ расмларда Кришна доим сигир билан ёнма-ён турган ҳолда тасвирланади. Бу ҳодисалар бҳакт шоирлар ижодида ҳам сигирнинг муқаддас ҳайвон санаб, Кришна ва Браз аҳли учун энг қадрли жонивор ва сеvimли ҳамроҳ сифатида тасвирланишига асос бўлган. Масалан, Чхитсвами Браздаги Кришна ҳаётининг сигир билан боғлиқ лавҳаларини шундай тасвирлайди,

अगें गांइ पाछे गांइ, इत गांइ, उत गांइ,
गोविंद कों गांइनि में बसिबोई भावै।
गाइन के संग धावै, गांइनि में सचु पावै
गांइनि की खुर-रज अंग लपटावै।

Мазмуни:

*Орқада сигир, олдинда сигир, у ерда сигир, бу ерда сигир,
Говинд (Кришна) сигирлар оламида яшайди.
Сигир билан юради, сигир билан Ҳақни излайди
Сигирни ўзининг бир бўлаги дейди.*

Кришнанинг олдида сигир, орқасида сигир, унинг атрофида қайга қарама фақат сигир. Унга сигирлар билан бирга бўлиш ёқади, улар билан югуради, кўтарилган чанги бутун баданига ёпишади, шу сигирларнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун Кришна Говардхан тоғини жимжилоғида кўтарганида, у ҳатто вейкунтхн⁹ ҳам унутган эди.

Чхитсвами Кришнани сигир боқиб юрган пайтини шундай тасвирлайди, “бошида тож, қўлида най, чандан суртиб олган, бўйнида гулчамбар тақиб, найини чалиб, сигирлар ортидан оҳиста-оҳиста қадам билан барчани ўзига маҳлиё қилиб юради. Браз ахли унинг сигирларга бўлган меҳри ва садоқатидан лол қолар эдилар”.

Браз маданиятида Кришна билан боғлиқ иккинчи сирли нарса бу найдир. Най ва сигир Кришнанинг атрибутлари ҳисобланади. Кришнани найсиз ва сигирсиз тасаввур этиб бўлмайди. Кришна найининг навоси нафақат сигирларни бир ерга жамлайди, балки унинг овози Браз гўпиларининг ҳам бир зумда ҳушини олади. Най бу Кришна мавжудлигининг белгисидир. Кришнанинг ўзи эмас, унинг найининг овози ҳам барчанинг юрагига, қалбига етиб боради ва унга гулғула сола бошлайди, бу гулғула Кришнанинг ҳозир қандайдир бир ҳазил ёки каромат кўрсатишига ишорадир. Аштачхап шоирлари найни дунёвий ва сирли оламга эга бўлган соз сифатида баҳолайдилар ва бу асосда найга икки хил таъриф берадилар, биринчисига кўра, най чўпон Кришнанинг сигирларни бир ерга тўплаш учун чаладиган чолғу асбоб бўлса, иккинчисиде эса, ботиний олам сирларидан воқиф бўлган, Радха-Кришнанинг ботиний ўйинлари билан боғлиқ най образи. Жумладан, Кришнанинг найни етти марта чалиши Радханинг исмини айтиш билан баробардир, – деб ёзади Харгулал. Айнан шу ботиний найдан гўпилар кўпинча Кришнани қизғонадилар, найни ўзларига кундош деб билиб, ҳатто Кришнани ундан рашк қиладилар.

Шу тарзда, биз “Аштачхап” шоирларининг кришнабҳакти шеърини орқали Браз маданияти, урф-одатлари, ҳинд миллий анъаналари ҳақидаги қизиқарли ва халқ севиб нишонлайдиган байрамлар ҳақида тасаввурга эга бўлишимиз мумкин ва бу байрам ва анъаналар, аслида, қадимда “Маҳабҳарата” воқеалари даврида, айнан Радха-Кришна ўйинлари билан боғлиқ равишда шаклланган бўлиб, ўрта асрларда бу анъаналар бҳакти таълимоти туфайли ҳинд жамиятидаги ўз ўрнини мустаҳкамлади ва бҳакт шоирлар ижодида бу нарса кенг миқёсда адабий жараёнларга кириб келди.

⁹ Маъбудлар яшайдиган макон вейкунтх деб аталади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Муҳибова У.У., Абдурахманова М.Х. Бобурийлар даври адабиёти (хинди ва урду тилидаги манбалар асосида). Тошкент, 2018.
2. Ходжаева Т., Муҳибова У. У. Ҳиндистон адабиёти. Тошкент, 2020.
3. गोवीन्ददास झा। गोवीन्ददास। – दिल्ली, 2007.
4. मीरा कांत। मीराबाई मुक्ति की साधिका। – दिल्ली, 2002
5. सारला चौधरी। नंददास। शकुण प्रिंटर्स। – दिल्ली, 2006
6. प्रभूदयाल मित्तल. अष्टछाप परिचय. – मथुरा, 1949
7. हरगुलाल। कृष्णदास। – दिल्ली, 2001